

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**

РЎЗМЕТОВ ФАХРАДДИН НУРМАТОВИЧ

**БОЛАЛАРДАГИ БАКТЕРИАЛ ЭТИОЛОГИЯЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ
КАСАЛЛИКЛАРИДА АНТИЭНДОТОКСИК ИММУНИТЕТНИНГ
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рўзметов Фахраддин Нурматович

Болалардаги бактериал этиологияли яллиғланиш касалликларида
антиэндотоксик иммунитетнинг клиник-иммунологик хусусиятлари 3

Рузметов Фахраддин Нурматович

Клинико-иммунологическая характеристика антиэндотоксического
иммунитета при воспалительных заболеваниях бактериальной этиологии
у детей 23

Ruzmetov Fakhraddin Nurmatovich

Clinical-immunological characteristics of anti-endotoxic immunity in
inflammatory diseases of bacterial etiology in children 44

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 48

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**

РЎЗМЕТОВ ФАХРАДДИН НУРМАТОВИЧ

**БОЛАЛАРДАГИ БАКТЕРИАЛ ЭТИОЛОГИЯЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ
КАСАЛЛИКЛАРИДА АНТИЭНДОТОКСИК ИММУНИТЕТНИНГ
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Tib547 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Нуралиев Неккадам Абдуллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Ҳамдамов Бахтиёр Зарифович тиббиёт фанлари доктори, профессор Камалов Зайнитдин Сайфитдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Кубан давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____куни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Ҳамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Болаларда кечадиган турли бактериал этиологияли яллиғланиш касалликларида шаклланадиган антиэндотоксик иммунитет эндотоксиннинг ўзиги хос хусусиятлари - пироген таъсир, қон қуйилиши ва томир ичи тромби ҳосил бўлишининг фаоллашуви, гемодинамиканинг бузилиши, иммун тизими гуморал бўғинининг зўриқиши, буйраклар функцияси бузилиши, кучсиз иммуноген таъсир, шу нозологик бирликлар патогенези билан боғлиқ. «...Бактериал этиологияли яллиғланиш касалликларида антиэндотоксик иммунитетни аниқлаш ва баҳолаш ушбу касалликлар эрта ташҳиси, касаллик якуни истиқболни белгилаш учун муҳим ташҳисий аҳамиятга эга»¹. Ушбу олинган натижалар болалар орасида бактериал этиологияли яллиғланиш касалликларининг сурункали кўринишга ўтишининг олдини олиш учун клиник-иммунологик мезонлар яратилиши антиэндотоксик иммунитетнинг ташҳисий қийматини оширади.

Дунё микёсида бугунги кунда грамманфий бактериялар эндотоксинлари, уларнинг одам организмига тушгач, турли цитокинлар ва бошқа медиаторлар синтезини индукциялаши, эндотоксинларнинг оқсилли токсинлардан органотроплиги йўқлиги, фагоцитоз жараёнини сўндириш хусусиятига эгаллиги, махсус бўлмаган таъсири борлиги билан фарқланиши ўрганилган, турли патология олди ва патологик ҳолатлар келтириб чиқариш патогенетик механизмлари очиқ берилган, иммун тизимига таъсири кўрсатиб берилган, шунингдек, эндотоксинларга қарши антителолар ҳосил бўлиш механизмлари, антиэндотоксик иммунитетнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқотчилар томонидан аниқланган. Аммо, антиэндотоксик иммунитетнинг иммун тизими бошқа бўғинлари билан боғлиқлиги, эндотоксинларни аниқлаш, улардан ташҳисот мақсадларида фойдаланиш масалалари, айниқса болаларда учрайдиган яллиғланиш касалликларида, бугунги кунгача ҳам охиригача ечилмаган ва долзарблигича қолмоқда, илмий манбаларда ушбу муаммога оид маълумотлар кам учраши билан эътиборлидир. Ушбу масалаларнинг клиник, иммунологик, микробиологик жиҳатлари кам бажарилганлиги ҳам масаланинг амалий тиббиёт учун муҳимлигидан далолатдир.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар орасидаги бактериал этиологияли яллиғланиш касалликларида антиэндотоксик иммунитетни аниқлаш, патологик ҳолатлар сурункали кўринишга ўтмаслиги ва асоратлар юзага чиқмаслиги учун эрта ташҳислашни таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисми 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини

¹Кулагина Ю.Ю., Козлова Н.И., Малиенко М.Э. Особенности гуморального антиэндотоксинового иммунитета у больных диффузным токсическим зобом, осложнённым эндокринной офтальмопатией // Таврический медико-биологический вестник. - 2013. - Том 16, №1, ч. 3 (61). - С.113-116.

ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Шунга асосан бактериал этиологияли касалликларда антиэндотоксик иммунитетни клиник-иммунологик тадқиқотлар ёрдамида қиёсий ўрганиш, уларни самарали ташхислашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Грамманфий бактериялар эндотоксинларининг биологик таъсири юзага чиқиши учун улар молекулаларининг барча гуруҳлари жавобгарлиги исботланган (Машарипов В.У., 2011; Бектимиров А.М-Т. ва ҳаммуал, 2014; Landers C.J. et al., 2002). Маълумки, антителолар муҳим гуморал антиэндотоксин омиллари ҳисобланади. Грамманфий бактериялар липополисахаридлари (ЛПС) О-занжирига қарши антителолар юқори нейтралловчи фаолликка эга, лекин шу О-занжирининг ўзгарувчанлиги антителоларнинг уларга мос эндотоксин билан учрашиш эҳтимolini камайтиради. Шунинг учун ЛПС R-қатламининг чуқур детерминанталарига, айниқса, Re-гликолипидга қарши антителоларга эътибор берилган (Рахманова С.С., 2013; Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2014).

Одам йўғон ичак меъёрий микрофлорасининг грамманфий бактериялари вакиллари эндотоксинларининг кам миқдорда қонда бўлиши иммун тизимига антигенстимулловчи таъсир кўрсатади, одам организмнинг махсус бўлмаган резистентлигини кучайтиради, хужайраларнинг ўсмага қарши фаоллигини оширади (Дранник Г.Н., 2006; Гариб Ф.Ю., 2012).

Маълумки, эндотоксинлар протеинлар ва ЛПС комплексидан иборат, организмда *in vivo* улар биологик самараси юзага чиқиши учун эндотоксин

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

молекуласининг барча гуруҳлари жавобгар бўлади (Машарипов В.У., 2011; Рахманова С.С., Арипова Т.У., 2013). ЛПС тимусга боғлиқ антигенларга кириб, В-лимфоцитларни поликлонал стимуллайди, альтернатив йўл билан комплемент тизимини фаоллаштиради, адъювант бўлиб ҳисобланади.

Аниқланишича, йўғон ичак дистал бўлимлари грамманфий микрофлора ва улар эндотоксинлари учун табиий омбор ҳисобланади. Меъёрда, ичакнинг тўсиқ функциясини эътиборга олиб, қон оқимида нисбатан кам миқдорда эндотоксинлар тушади, у қопқа вена тизимида Купфер хужайралари, макрофаглар, эритроцитлар, липопротеидлар, қон плазмасининг бошқа оксиллари билан боғланиб, гепатоцитларда детоксикацияга учрайди (Опарина О.Н., 2014; Bizzarro M.J. et al., 2008).

Меъёрда 6% гача портал қон жигарга кирмасдан, портокавал ва жигар анастамозлари орқали тизимли қон оқимида ташланиши кўрсатилган. Жигарга кирмасдан, ичакдан умумий қон оқимида микроорганизмлар ЛПС тушишининг назорати асосан гипоталамо-гипофизар-буйрак усти безлари тизими томонидан амалга оширилади, портокавал анастамозлар бўйлаб портал қон ташланиш даражаси унинг функционал фаоллигига боғлиқ (Копаченко А.И., 2010; Кривченя Д.Ю. ва ҳаммуал. 2012; Бектимиров А.М-Т, 2016; Halaçlar B. et al., 2020). Бу соғлом одамларнинг тизимли қон оқимида эндотоксин мавжудлиги каби физиологик феноменни «тизимли эндотоксинемия» ва одам касалликлари патогенезида универсал омилни «эндотоксин агрессия» постулатларида акс эттириш имконини беради, уларнинг ривожланиши умумий қон оқимида ЛПС нинг ортиқча тушиши ва эндотоксинни боғловчи тизимларнинг танқислиги билан боғлиқ.

Чақалоқларда ичакка микрофлора кириб келиши билан эндотоксинга антителолар (IgG) даражасининг ўсиши кузатилади, уларнинг миқдори бешинчи суткада янги туғилган соғлом болаларда ўртача 231 ± 21 оптик зичлик бирлигини ташкил қилган, бу чақалоқларнинг ўз антителоларини синтезлаш қобилиятидан дарак берган. Она антиэндотоксин антителоларининг плацентар йўл билан ўтиши янги туғилган чақалоқнинг бачадондан ташқи ҳаёт шароитларига мослашувини таъминлайдиган, табиий иммунитетнинг омилларидан бири ҳисобланади (Опарина О.Н., 2014).

Шунингдек, антиэндотоксик иммунитетнинг бактериал этиологияли касалликлардаги ўрни кўрсатиб берилган бўлса ҳам, аммо юқори ташҳисий қийматга эгаллиги исботлаб берилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2023.PhD.170) «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлигига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади бактериал этиологияли яллиғланиш касалликларида болалар қон зардобидаги антиэндотоксик иммунитетнинг клиник-

иммунологик хусусиятларини қиёсий аниқлаш, ташҳисий қийматини баҳолашдан иборат бўлган.

Тадқиқот вазифалари куйидагилардан иборат:

бактериал (микроб) этиологияли яллиғланиш касалликлари (ўткир тонзиллит, ўткир бронхит, сийдик йўли инфекцияси) ва йўғон ичак дисбиозида болалар қон зардобдаги грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиш даражасини қиёсий ўрганиш ва баҳолаш;

болаларда кечадиган бактериал этиологияли касалликларда грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиш даражасини ёшга боғлиқ қиёсий аниқлаш ва антиэндотоксик иммунитет ташҳисий қийматини баҳолаш;

грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителоларни аниқлаш бўйича серопозитив и серонегатив намуналар учраш даражасининг ёшлараро клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш ва шу асосда иммунологик ташҳисий мезонлар ишлаб чиқиш;

грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антиэндотоксик иммунитетни баҳолаш мақсадида грамманфий бактериялар антигенларига қарши антителоларни аниқловчи иммунофермент тест-тизимнинг махсуслиги ва сезгирлигини аниқлаш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бактериал этиологияли яллиғланиш касалликлари (ўткир тонзиллит, ўткир бронхит, сийдик йўли инфекцияси) ташҳиси қўйилган 251 нафар 3-12 ёшли болалар, таққослаш мақсадида шу ёшдаги 61 нафар йўғон ичак дисбиози аниқланган ва 25 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида соғлом ва бемор болалар қон зардоби, сийдиги, нажаси, бактериологик ва серологик тадқиқотлар учун *Escherichia coli*, *Citrobacter freindii*, *Proteus vulgaris*, *Klebsiellae pneumoniae*, *Pseudomonas aeruginosa* коллекцион штаммлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун клиник-инструментал, иммунологик, серологик, бактериологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

илк бор болалардаги микроб этиологияли касалликларда *Escherichia coli* эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиш даражаси 88,05% ни ташкил этгани, бу *Citrobacter freindii* шу параметрига нисбатан 1,11, *Pseudomonas aeruginosa* га нисбатан 1,26, *Proteus vulgaris* га нисбатан 1,57, *Klebsiellae pneumoniae* га нисбатан 1,71 мартага ишонарли равишда кўп эканлиги исботланган;

илк бор микроб этиологияли касалликлар ташҳисланган болаларда соғломларга нисбатан *Escherichia coli* эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиши 5,50, *Proteus vulgaris* га қарши 7,02, *Citrobacter freindii* га қарши 9,90, *Klebsiellae pneumoniae* га қарши 12,85, *Pseudomonas aeruginosa* га қарши 17,53 мартага ишонарли даражада кўп бўлгани аниқланган, *Escherichia coli*

эндотоксинларига нисбатан серопозитив намуналарнинг юқори фоизи ушбу бемор болаларда бўлгани исботланган;

3-6 ва 7-12 ёшли болалар қон зардобидаги грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиш даражаси йўғон ичак дисбиози аниқланган болаларда соғломларга нисбатан ишонарли кўплиги аниқланган, ушбу патологияларда антителолар аниқланиши 90,7% га етиб, мос равишда 9,07 ва 1,21 мартага юқори бўлгани аниқланган, болалар ёши ортиши билан антителолар аниқланиш фоизи соғлом болаларда камайган, йўғон ичак дисбиозида 7-12 ёшлиларда ишонарли кўпайган, асосий гуруҳда серопозитив намуналар фоизи бўйича ёшлараро тафовут аниқланмаган;

грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиш даражасини кўрсатувчи иммунофермент анализ учун тест-тизимнинг сезгирлиги йўғон ичак дисбиозида 75%, ўткир тонзиллитда 76%, ўткир бронхитда 89%, сийдик йўли инфекцияларида 95% ни, тест-тизим махсуслиги 90,0% ни ташкил этгани ушбу тест-тизимнинг диагностик қиймати юқорилиги илк бор исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

йўғон ичак дисбиози аниқланган болаларда грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши қон зардобидаги антителолар учраш даражаси *Escherichia coli* учун бу 80,33% ни ташкил этган, *Proteus vulgaris* *Escherichia coli* га нисбатан 1,36, *Citrobacter freindii* 1,53, *Klebsiellae pneumoniae* 1,96, *Pseudomonas aeruginosa* 2,04 мартага кам аниқланган, антителолар аниқланиш даражаси грамманфий бактерияларнинг йўғон ичак меъёрий микрофлорасидаги кўрсаткичларга боғлиқ, бу ҳолат йўғон ичак дисбиозини аниқлаш учун иммуно-микробиологик мезон сифатида тавсия этилган;

грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши серопозитив намуналар фоизи соғлом болалар ва йўғон ичак дисбиози кузатилганларда *Escherichia coli*, *Proteus vulgaris*, *Citrobacter freindii* бўйича, микроб этиологияли касалликлар ташҳисланган болаларда *Escherichia coli*, *Citrobacter freindii*, *Pseudomonas aeruginosa* бўйича ишонарли юқори бўлган;

микроб этиологияли касалликлар ва йўғон ичак дисбиози кузатилган болаларда грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиш кўрсаткичлари ҳар иккала ёш гуруҳларида ҳам соғлом болалар параметрларидан ишонарли фарқ қилган, ҳар иккала ёш гуруҳида ҳам сийдик йўли инфекциялари кузатилган болаларда антителолар аниқланиш даражаси ишонарли юқори бўлган, бу ушбу кўзғатувчилар орасида грамманфий бактериялар кўплиги, ассоциация кўринишида кўп униши билан изоҳланган;

грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиш даражасини кўрсатувчи иммунофермент анализ учун тест-тизимнинг сезгирлиги йўғон ичак дисбиози, ўткир тонзиллит, ўткир бронхит, сийдик йўли инфекцияларида юқори бўлгани (75-95%) ушбу усулнинг диагностик қиймати юқорилигини кўрсатган ва соғлиқни сақлаш амалиётида диагностик мақсадларда фойдаланишга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи клиник-инструментал,

иммунологик, серологик, бактериологик ва статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги клиник материал ва иммунологик тадқиқотлар материалдан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан тасдиқланганлиги, уларнинг ватандош ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлар билан қиёсланганда ишончлилиги, келтирилган хулосалар асосланганлиги, ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор болаларда ташҳисланган микроб этиологияли касалликларда *Escherichia coli* эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиш даражаси 88,05% ни ташкил этгани, бу *Citrobacter freindii*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Proteus vulgaris*, *Klebsiellae pneumoniae* га нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли кўп, беморларда соғломларга нисбатан грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиши ишонарли кўп бўлгани аниқланганлиги, *Escherichia coli* эндотоксинларига нисбатан серопозитив намуналар юқори фоизи ушбу бемор болаларда бўлгани исботланганлиги, антителолар аниқланиши 90,7% га етиб, ҳар иккала таққослаш гуруҳлари кўрсаткичларидан ишонарли даражада юқори бўлгани аниқланганлиги, 3-6 ва 7-12 ёш гуруҳларида сийдик йўли инфекциялари кузатилган болаларда антителолар аниқланиши ўткир тонзиллит ва ўткир бронхит ташҳисланган болаларга нисбатан ишонарли юқори бўлганлиги, грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиш даражасини кўрсатувчи тест-тизимнинг сезгирлиги 75-95% ни ташкил этгани, тест-тизим диагностик қиймати юқорилиги илк бор исботлагани билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти йўғон ичак дисбиози аниқланган болаларда грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши қон зардобдаги антителолар учраш даражаси *Escherichia coli* учун бу 80,33% ни ташкил этгани, бу *Proteus vulgaris*, *Citrobacter freindii*, *Klebsiellae pneumoniae*, *Pseudomonas aeruginosa* га нисбатан кўп аниқланлиги, бу ҳолат грамманфий бактерияларнинг йўғон ичакдаги кўрсаткичларига боғлиқ бўлганлиги, серопозитив намуналар фоизи соғломлар ва йўғон ичак дисбиози кузатилган болаларда *Escherichia coli*, *Proteus vulgaris*, *Citrobacter freindii* бўйича, микроб этиологияли касалликлар ташҳисланган болаларда *Escherichia coli*, *Citrobacter freindii*, *Pseudomonas aeruginosa* бўйича ишонарли юқори бўлганлиги, грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиш даражасини кўрсатувчи тест-тизимнинг сезгирлиги юқорилиги ушбу усулнинг диагностик қиймати юқорилигини кўрсатганлиги ва диагностик самарадорликни баҳоловчи мезон сифатида тавсия этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалардаги бактериал этиологияли яллиғланиш касалликларида антиэндотоксик иммунитетнинг клиник-иммунологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижаларга асосланиб:

микроб этиологияли касалликларда антиэндотоксик иммунитетни баҳолаш имконини берувчи «Болалардаги микроб этиологияли касалликларда антиэндотоксин иммунитет клиник-иммунологик хусусиятларини баҳолаш услуги» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 06 июндаги 8н-р/581-сон хулосаси). Услубий тавсиянома турли микроб этиологияли касалликлар ташҳисланган болаларда грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителолар миқдорини аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали антитоксик иммунитетни баҳолаш имконини берган;

болалардаги бактериал этиологияли яллиғланиш касалликларида антиэндотоксик иммунитетнинг клиник-иммунологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Қорақолпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига тадбиқ этилган (Бухоро давлат тиббиёт институти экспертлар кенгашининг 2023 йил 20 апрелдаги 23-z/023-сонли хулосаси). Амалиётга жорий этиш турли микроб этиологияли касалликлар ташҳисланган болаларда антитоксик иммунитетни баҳолаш ва унинг асосида ташҳисий ҳамда даволаш тадбирларини самарали ўтказиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган илмий-тадқиқот иши долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Болалардаги бактериал этиологияли касалликларда антиэндотоксик иммунитетнинг клиник-иммунологик жиҳатлари: адабиётлар шарҳи» деб номланиб, танланган

мавзу бўйича илмий манбалар шарҳи келтирилган. Унда грамманфий бактериялар эндотоксинлари, структуравий ҳамда биологик хусусиятлари тавсифи, уларга қарши антиэндотоксик иммунитет шаклланишининг хусусиятлари, эндоген интоксикация ва унинг организмга таъсири, грамманфий бактериялар эндотоксинларига қарши антителоларни ўрганишда иммунфермент реакцияларининг ўрни батафсил келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Болаларда ташҳисланган микроб этиологияли касалликларда антиэндотоксик иммунитетнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича материал ва усуллар**» деб номланиб, мавзу бўйича материал ва усуллар келтирилган.

Мақсадга эришиш учун минтақада доимий истиқомат қилувчи болалар орасида кенг тарқалган касалликлар - ўткир тонзиллит, ўткир бронхит ва сийдик йўли инфекцияси (СЙИ) билан касалланган бемор болалар қон зардоблари ўрганилган. Тадқиқотларга 251 нафар 3-12 ёшли, Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи бемор болалар жалб этилган, улардан 87 нафарига (34,66±3,00%) ўткир тонзиллит, 71 нафарига (28,29±2,84%) ўткир бронхит, 93 нафарига (37,05±3,05%) СЙИ ташҳислари верификация қилинган. Бу бемор болаларнинг (ўткир тонзиллит, ўткир бронхит, СЙИ) барчаси микроб этиологияли касалликлар (МЭК) сифатида асосий гуруҳга бирлаштирилган. Асосий гуруҳ бўйича олинган натижаларни таққослаш мақсадида жами 25 нафар амалий жиҳатдан соғлом болалар (1-таққослаш гуруҳи) ва 61 нафар йўғон ичак дисбиози (ЙИД) кузатилган болалар (2-таққослаш гуруҳи) қон зардоблари ҳам текширилган.

МЭК билан касалланган болалар (асосий гуруҳ) Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида тадқиқот ўтказиш муддатларида даволанган юқорида келтирилган касалликлар билан хасталанган, ташҳислар клиник, лаборатор, инструментал усуллар ёрдамида верификация қилинган, кўзгатувчиси бактериологик усулда тасдиқланган болалар бўлишган.

Эрта ёшли болаларда иммун тизими етук эмаслиги, организмдаги антиген стимуляцияси ҳар хил эканлиги ва давомийлиги камлиги туфайли тадқиқот давомида «мусбат» ва «ёлғон мусбат» реакциялар кузатилмаслигини (Машарипов В.У., 2011) ҳисобга олиб, 3 ёшгача бўлган соғлом ва бемор болалар тадқиқотларга жалб қилинмаган. Барча ўрганилган болалар ёш гуруҳларига куйидагича тақсимланди: 3-6 ёш - мактабгача бўлган ёш; 7-12 ёш - кичик мактаб ёши. Тасодифий танлашга асосланган беморларни ёш бўйича танлаш ва гуруҳларга тақсимлаш тўғри ўтказилган ҳамда гуруҳлар бир бирига репрезентатив бўлганлиги исботланган.

МЭК асосий гуруҳига бирлаштирилган - ўткир тонзиллит, ўткир бронхит ва СЙИ ташҳислари замонавий клиник, клиник-инструментал, лаборатор усуллар ёрдамида 10-марта қайта кўриб чиқилган Касалликлар Халқаро Классификацияси (2007) бўйича верификация қилинган.

Текширилган болалар қон зардобидеги грамманфий микроорганизмлар хужайра девори ЛПС қарши антиэндотоксик антителолар қон зардобидеги концентрацияси 96 чуқурчали планшетларда экспериментал тест-тизим ёрдамида ИФА билан аниқланган (Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2009).

Коллекцион штаммлар ЎзР ССВ эпидемиология, микробиология, юқумли касалликлар ИТИ (ҳозирги Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази) «Одам инфекциялари микроорганизмлари миллий коллекцияси» дан олинган (2006 йил, 2-сон шартнома). Фаол бўлмаган культуралар билан бирга бактерияларнинг асосий тавсифи келтирилган штаммлар паспортлари илова қилинган. Тадқиқотда *Escherichia coli*, *Citrobacter freindii*, *Proteus vulgaris*, *Klebsiellae pneumoniae*, *Pseudomonas aeruginosa* коллекцион штаммлари қўлланилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўтказилган тадқиқотларда қўлланилган коллекцион грамманфий бактериялар штаммлари тўғрисидаги маълумотлар

Коллекцион штаммлар	Рўйхат рақами	Штамм рақами	Олинган материал	Олинган вақти
<i>Escherichia coli</i>	002673	477	Нажас	1995 йил
<i>Citrobacter freindii</i>	002801	27	Копрокультура	1995 йил
<i>Proteus vulgaris</i>	003341	7	Нажас	1996 йил
<i>Klebsiellae pneumoniae</i>	004317	Б - 37	Йиринг	2007 йил
<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	002803	24	Копрокультура	1995 йил

Штаммлар 1×10^9 микроб танаси/мл (м.т./мл) концентрацияда 80°C да 30 минут қиздирилган ва инактивация қилинган бактериал масса кўринишида ишлатилган. Ушбу ҳарорат режими бактериялар оксиллари структурасини максимал даражада сақлаш имконини берган.

Антигенлар микроорганизмлар суткалик культурасини учхлорсика кислотасида (УХСК) экстракция қилиш ёрдамида Буавен бўйича ажратилган. Бу усул антиген экстракциясининг кимёвий усулига киради.

Антителолар даражасини аниқлаш учун ИФА ишлатилган. Бактериал антигенларга антителоларни аниқлаш натижалари оптик зичлик (ОЗ) бирликларида ифодаланган. Антигенларга қарши антителоларни таҳлил қилиш усули полистиролда (indirect ELISA) билвосита қаттиқ фазада ИФА тамойилига асосланган.

Бактериологик тадқиқотлар давомида коллекцион штаммларни инактивациялашдан олдин улар ярим суюқ агар устидаги вазелин мойи қатлами остидан олиниб, қайта ундирилган. Идентификация қилиш *Bergy's Manual Systematic Bacteriology* (1997) бўйича ушбу микроорганизм турига мос келадиган стандарт озиқ муҳитларидан фойдаланган ҳолда олиб борилган. Тадқиқотни бажариш жараёнида бактериологик тадқиқотлар учун «HiMedia» (Ҳиндистон) компанияси озиқ муҳитларидан фойдаланилган.

Тадқиқот давомида йўғон ичак микрофлорасини текшириш мақсадида нажас бактериологик текшируви ўтказилган. Олинган биологик ашёни бактериологик текшириш Адиллов Ш.Қ., Гариб Ф.Ю., Норбаева И.Э. (1995) услубий тавсияномаларига таянган ҳолда микдорий усул ва электив озиқ муҳитлар тўпламини қўллаб олиб борилган.

Материалларни статистик ишлаш вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилган, статистик таҳлил «Pentium IV» процессори асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Болалардаги микроб этиологияли касалликларда антиэндотоксик иммунитет клиник-иммунологик хусусиятларини баҳолаш**» деб номланиб, антиэндотоксик иммунитет клиник-иммунологик хусусиятлари батафсил баён этилган.

Тадқиқотнинг биринчи қисмида грамманфий шартли-патоген бактериялар (ГШПБ) антигенларига қарши антителолар титри аниқланган. Текширилган МЭЖ ва ЙИД кузатилган кўпчилик болаларнинг қон зардобидида ГШПБ антигенларига қарши махсус антителолар титри соғлом болаларнинг шу кўрсаткичларига нисбатан ишонарли равишда кўп аниқланган ($P < 0,001$). Антителолар аниқланиш даражаси нозологик бирликлар ва микроорганизм турига боғлиқ бўлган ($P < 0,001$). Тадқиқотнинг биринчи босқичида соғлом болаларда (1-таққослаш гуруҳи) ва ЙИД (2-таққослаш гуруҳи) кузатилган болаларда 5 та коллекцион штаммлардан тайёрланган ГШПБ га қарши антителоларнинг аниқланиш кўрсаткичлари ўрганилган.

Соғлом болаларда ушбу антителолар аниқланиш фоизлари бошқа қиёсланаётган гуруҳга нисбатан ишонарли даражада ($P < 0,001$) паст бўлган. Йўғон ичак меърий микрофлораси вакилларида бири *Escherichia coli* га қарши антителолар аниқланиш даражаси соғлом болалар шу параметрларидан юқори бўлган - мос равишда $16,00 \pm 7,33\%$ га қарши $4,00 \pm 3,92\%$ ва $8,00 \pm 5,43\%$.


Ўрганилган микроорганизмлар орасидаги фарқли жиҳат шуки, *Klebsiellae pneumoniae* ва *Pseudomonas aeruginosa* антигенларига қарши антителолар аниқланиш фоизлари бошқа микроб культураларига нисбатан кам бўлган, бу ҳолат ушбу микроорганизмларнинг йўғон ичак меърий микрофлораси таркибига кирмаслиги, соғлом одамлар турли биотопларида учрамаслиги билан изоҳланган. Соғлом болалардан фарқли равишда ЙИД аниқланган болаларда ушбу грамманфий бактериялар антигенларига (эндотоксинларига) қон зардобидидаги антителолар титри юқорилиги билан тавсифланган. *Escherichia coli* учун бу параметр $80,33 \pm 5,09\%$ ни ташкил этган бўлса, *Proteus vulgaris* учун $59,02 \pm 6,30\%$ ни (*Escherichia coli* га нисбатан 1,36 мартага камайиш, $P < 0,05$), *Citrobacter freundii* $52,46 \pm 6,39\%$ ни (*Escherichia coli* га нисбатан 1,53 мартага камайиш, $P < 0,001$), *Klebsiellae pneumoniae* учун $40,98 \pm 6,30\%$ ни (*Escherichia coli* га нисбатан 1,96 мартага камайиш, $P < 0,001$), *Pseudomonas aeruginosa* учун $39,34 \pm 6,25\%$ ни (*Escherichia coli* га нисбатан 2,04 мартага камайиш, $P < 0,001$) ташкил қилган.

МЭЖ ташҳисланган болаларда *Escherichia coli* антигенларига қарши антителолар аниқланиш даражаси (серопозитив натижа) $88,05 \pm 2,05\%$ ни ($n=221$) ташкил этган, қолган ҳолатларда бўлса антителолар титри аниқланмаган (серонегатив натижа). Бошқа ўрганилган 4 та ГШПБ ларда ушбу кўрсаткич соғлом болалар параметрларидан ишонарли юқори бўлса ҳамки ($P < 0,001$), *Escherichia coli* кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан

аҳамиятли равишда паст бўлган ($P < 0,001$). Антителолар учраш даражаси бўйича кейинги ўринда *Citrobacter freindii* ($79,28 \pm 2,56\%$, $n=199$) ва *Pseudomonas aeruginosa* ($70,12 \pm 2,89\%$, $n=176$) бўлишган. Энг паст аниқланиш *Proteus vulgaris* ($56,18 \pm 3,13\%$, $n=141$) ва *Klebsiellae pneumoniae* ($51,39 \pm 3,15$, $n=129$) бўйича кузатилган.

Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатганки, *Escherichia coli* кўрсаткичи *Citrobacter freindii* параметрига нисбатан 1,11 мартага, *Pseudomonas aeruginosa* га нисбатан 1,26 мартага, *Proteus vulgaris* га нисбатан 1,57 мартага, *Klebsiellae pneumoniae* га нисбатан 1,71 мартага статистик жиҳатдан аҳамиятли кўп аниқланган ($P < 0,05$ - $P < 0,001$).

Олинган натижалар соғлом болалар кўрсаткичлари билан солиштирилганда *Escherichia coli* га қарши антителолар бемор болаларда соғломларга нисбатан 5,50 мартага, *Proteus vulgaris* га қарши антителолар 7,02 мартага, *Citrobacter freindii* га қарши антителолар 9,91 мартага, *Klebsiellae pneumoniae* га қарши антителолар 12,85 мартага, *Pseudomonas aeruginosa* га қарши антителолар 17,53 мартага ишонарли даражада кўп учрагани аниқланган ($P < 0,001$). Ушбу ҳолат МЭК кузатилганда ГШПБ антигенларига қарши антителолар ҳосил бўлиш даражаси кескин ошганидан далолат (1-расм).




1-расм. Болалар қон зардобининг МЭК келтириб чиқарган бактериялар антигенлари билан ИФА қиёсий натижалари, %

Кўриниб турибдики, ЙИД ва МЭК кузатилган болаларда антителолар аниқланиш даражаси ишонарли даражада кўп, агар ЙИД ва МЭК қиёсланадиган бўлса, фақат *Proteus vulgaris* бўйича натижалар бир бирига яқин, бошқа ГШПБ ларда бўлса, серопозитив намуналар МЭК да кўп учраган. Бу айниқса, *Klebsiellae pneumoniae* ва *Pseudomonas aeruginosa* да яққол намоён бўлган (2-расм).

Бу ҳолат ушбу грамманфий бактерияларнинг организм турли биотоплари, шу жумладан йўғон ичак меъёрий микрофлорасининг индиген вакили эмаслиги, меъёрда организм биотопларида амалий жиҳатдан учрамаслиги, организмда доимий кечадиган «транзитор бактериэмия»

ходисасида уларнинг ўрни амалий жиҳатдан йўқлиги, кўпчилик ҳолатларда ЙИД ривожланганда улар миқдори йўғон ичакда кўпайиши, МЭЖ да монокультура ёки микроорганизмлар ассоциациялари кўринишида кўзгатувчи сифатида учраши билан изоҳланган.

Ўрганилган ГШПБ антигенларига қарши серопозитив намуналар аниқланиш даражаси соғлом болалар ва ЙИД кузатилган болаларда мос равишда *Escherichia coli*, *Proteus vulgaris*, *Citrobacter freindii* бўйича, МЭЖ ташҳисланган болаларда эса мос равишда *Escherichia coli*, *Citrobacter freindii*, *Pseudomonas aeruginosa* бўйича ишонарли даражада юқори бўлган ($P < 0,001$).



2-расм. Қиёсланаётган гуруҳлардаги болалар қон зардобидан ГШПБ антигенларига серопозитив намуналарнинг бир бирига нисбати, марта

МЭЖ кузатилган бемор болаларда *Pseudomonas aeruginosa* га нисбатан серопозитив намуналар фоизининг кескин ортиши ва грамманфий бактериялар орасида етакчи ўринларга чиқиши эътиборли ҳолат сифатида эътироф этилган.

Тадқиқотлар натижасида серопозитив и серонегатив намуналарнинг учраш даражаси қиёсланаётган гуруҳларда қуйидагича фарқланган: соғлом болаларда серонегатив намуналар фоизи серопозитив намуналар фоизига нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли кўп учраши исботланган ($P < 0,001$); ЙИД ва МЭЖ кузатилган болаларда серопозитив намуналар фоизи серонегатив намуналарга нисбатан ишонарли кўп учраши исботланган ($P < 0,001$); МЭЖ ташҳисланган болаларда серопозитив намуналар нафақат соғлом болалар, балки ЙИД кузатилган болалар параметрларига нисбатан ҳам кўп аниқланиши исботланган ($P < 0,05$).

Ўрганилган ГШПБ антигенларига қарши соғлом ва бемор болалар қон зардобидаги антителолар учраш даражаси қиёсий ўрганилиб, серопозитив намуналар фоизи МЭЖ ташҳисланган болалар (асосий гуруҳ) ва ЙИД кузатилган болаларда соғлом болаларга нисбатан ишонарли даражада кўп учраши исбот қилинган ($P < 0,001$), асосли хулосалар ва тегишли қонуниятлар аниқлангандан кейин ушбу болалардаги антитоксик иммунитет ҳолатини

Ўрганилган болалар ёшига боғлиқ ҳолда (3-6 ёш ва 7-12 ёш) ҳамда МЭЖ ка киритилган нозологик бирликлар доирасида аниқлаш зарурати туғилган. Бунинг асосий сабаби ушбу касалликлар патогенези, улардаги иммун жавоб кучи ва интенсивлигини аниқлашга янгича назар билан қараш, касалликлар эрта ташхисотининг қўшимча, клиник-иммунологик мезонларини ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Ўрганилган ГШПБ эндотоксинларига антителолар мусбат титри (серопозитив намуналар) тадқиқотга жалб қилинган 3-6 ёшли соғлом болаларнинг 10,0±6,9% ида аниқланган (2-жадвал). ЙИД аниқланган болалар орасида кўрсаткичлар соғлом болаларга нисбатан ишонарли равишда тафовутланган ($P<0,001$), антиэндотоксик антителолар даражаси текширилувчиларнинг 75,0±5,1% ида аниқланган.

2-жадвал

3-6 ёшли бемор ва соғлом болалар қон зардобида серопозитив намуналарнинг аниқланиш фоизлари

Гуруҳлар	Кўрсаткичлар, %
1-таққослаш гуруҳи (10 нафардан 1 ижобий)	10,0±6,9
2-таққослаш гуруҳи - ЙИД (20 нафардан 15 ижобий)	75,0±5,1* ↑
Асосий гуруҳ - МЭЖ (97 нафардан 88 ижобий)	90,7±2,4* ↑

Эслатма: * - 1-таққослаш гуруҳидан ишонарли тафовут белгиси, ↑ - кўрсаткичлар ўзгариши йўналиши.

МЭЖ кузатилган болаларда ГШПБ эндотоксинларига қарши антителолар аниқланиши 90,7±2,4% га етиб, ҳар иккала таққослаш гуруҳлари кўрсаткичларидан ишонарли даражада юқори бўлгани қайд этилган (мос равишда 9,07 мартага - $P<0,001$ ва 1,21 мартага - $P<0,05$).

Текширилувчилар ёши ортиши билан қон зардобида антителолар аниқланиш фоизи 1-таққослаш гуруҳида ишонарли даражада бўлмаса ҳамки, камайган бўлса (10,0±6,9% га қарши 6,7±4,8%, $P>0,05$), 2-таққослаш гуруҳида 7-12 ёшли болаларда статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада кўпайган (75,0±5,1% га қарши 85,4±3,9%, $P<0,05$) ошган (3-жадвал).

3-жадвал

7-12 ёшли бемор ва соғлом болалар қон зардобида серопозитив намуналарнинг аниқланиш фоизлари

Гуруҳлар	Кўрсаткичлар, %
1 - таққослаш гуруҳи (15 нафардан 1 ижобий)	6,7±4,8
2 - таққослаш гуруҳи - ЙИД (41 нафардан 35 ижобий)	85,4±3,9* ↑
Асосий гуруҳ - МЭЖ (154 нафардан 137 ижобий)	89,0±2,3* ↑

Эслатма: * - 1-таққослаш гуруҳидан ишонарли тафовут белгиси, ↑ - кўрсаткичлар ўзгариши йўналиши.

Асосий гуруҳ кўрсаткичларига кўпроқ таъсир этаётган нозологик бирликни аниқлаш мақсадида МЭЖ параметрлари касалликлар бўйича 1- ва 2-таққослаш гуруҳлари билан солиштирган ҳолатда қиёсий таҳлил қилинган.

